

БАДИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Ҳунарманднинг ҳар бир зарбида сабр, ҳар бир нақшида эса аждодлар хотираси мужассам.

Асрлар давомида ҳунарманд кўли билан яратилган буюмлар нафақат эҳтиёжини, балки гўзалликни ифодалаб келган.

Бу санъат авлоддан-авлодга ўтиб, миллатнинг бебаҳо меросига айланган.

Қадимда турмуш тақозоси билан уй-рўзғор буюмлари яратилган. Бу буюмлар фойдаланишга қулай ва бежирим қилиб тайёрланган. Меҳнат қуроллари, идиш ва буюмлар шаклу-шамойили билан ҳар жиҳатдан қулай, бежирим бўлган.

Бобокалонларимизнинг ҳаёт йўлини гўзалликка бўлган интилишини ўтмишдан сақланиб қолган ана шундай маданият ёдгорликлари орқали ўрганиб борамиз.

Ўзбек халқ санъатининг тарихий илдизлари жуда қадимги, бақувват, асрий тажрибалари серунум ва сержило, ҳар жиҳатдан ҳайратга мансубдир. Халқ усталарининг ижоди уларнинг анъаналарига ҳурмат ва эътибор кун сайин ортиб бормоқда. Бадиий ҳунармандчилик соҳасида ҳам халқ ижоди анъаналари, миллий амалий санъат усталари ижоди ўзлаштирилмоқда. Халқ усталарининг янги авлоди амалий санъатининг йўқалиб бораётган турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш учун ижодий изланмоқдалар. Фарғона водийсида ёғочсозлик ишлаб чиқариши сертармоқ бўлган. Баъзи тармоқлар ҳозир ҳам аввалгидай давом эттирилмоқда. Масалан, нон ясашда ишлатиладиган жўва, тахта ўқловлар яшаш ёғочсозлик ҳунармандларининг юқори даражада ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Наманган вилояти Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган. Буюк Ипак йўли вилоят ҳудудидан ўтганлиги сабабли қадимдан миллий ҳунармандчилик анча ривожланган. Хусусан вилоятнинг Наманган шаҳри Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой туманларида азалдан каштачилик, дўппиччилик, пичоқчилик, темирчилик, косибчилик, тўқувчилик, ёғочга қайта ишлов бериш ҳунарлари ривожланганлигини кўрсатади. Аммо ўтган асрда миллий ҳунармандчиликка эътибор берилмаганлиги сабабли уста ҳунармандларнинг катта тажрибалари анчагина йўқотилди. Мустақиллик йилларида миллий ҳунармандчиликни қайта тиклаш ва ривожлантиришга катта эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартда ПФ-1741-сонли “Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди ва шундан сўнг ҳунармандларга нисбатан эътибор кучайди.

Наманган вилояти ҳунармандлари уюшма аъзолари сони 965 нафарни ташкил этгани ҳолда улар миллий ҳунармандчиликнинг 25та йўналиши бўйича фаолият кўрсатиб, 1550 хилдан зиёд миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Миллий ҳунармандчилик бўйича шуғулланаётган фуқароларга вилоятнинг энг чекка ҳудудларида ҳам шароит яратиш мақсадида вилоятнинг туманларида “Ҳунарманд” уюшмасининг бўлимлари ташкил этилди. “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоларининг қарийиб 70 фоизи шаҳарларда, 25 фоизи туман марказларида, қолган 5 фоизи чекка қишлоқларда истиқомат қиладилар.

Ҳунармандларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш мақсадларида уюшма томонидан тадбиркорликка дахлдор ташкилот вақллари иштирокида турли ўқув семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиб келинмоқда, уюшма аъзолари ишлаб чиқарган маҳсулотларини рекламалашни ташкил этиш, янги ахборотлар ва ҳамкорлик топиш мақсадида уюшма интернет тармоғига уланган бўлиб, алоҳида сайтга уланган. Ҳозирги бир кунда ҳунармандлар томонидан ясалган

ҳар бир экспонат музей кўргазмаларини беабаб келмоқда. Шулардан бири Санъат, Этнография бўлимларида намойишга қўйилган ёғочсоз уста томонидан ясалган ноёб экспонат лавҳдир. ИНВ-5053 рақамли лавҳ 1974 йил 25 декабрда келтирилган. 37х37 ўлчамда 19–20 асрга оид, ким томонидан ясалгани номаълум ҳолати ўрта.

Ушбу лавҳ (таглик) курсича вазифасини бажариб, асосан ўқиш вақтида лавҳ устига китоб очиб қўйилган. Лавҳ одатда ёғочдан ишланади. Ўйма нақш билан безатилиши мумкин. Айрим ҳолларда авҳни бошқа материаллар

дан ясалиши мумкин. Лавҳ ишлаш анъаналари ўзбек халқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлигида сақланиб қолган. Лавҳнинг бугунги кундаги вазифаси ўзгариб, у музей экспозицияси, ўзбек халқ амалий санъатининг эсдалик совға намунасига айланди. Шу билан биргаликда ҳозирги бир кунда ҳам бир қатор ҳунармандлар томонидан турли ашёлардан лавҳлар тайёрланмоқда. Халқ амалий санъати ривожига ўз хиссасини қўшиб келаётган наққош ўймакор усталардан бири Неъматжон Муйдиновдир.

Уста Муйдинов Неъматжон Наманган шаҳар Курашхонада 1949 йил 15 сентябрьда ҳунарманд оиласида дунёга келган. Бу наққош ўймакор уста ёшлик чоғидан наққошлик санъатига қизиқиши кучли бўлганлиги, шу билан бир қаторда ота мерос касб бўлганликлари учун шу ҳунарни чуқур эгаллаганлар. Шу ҳунар орқали ватанимиз равнақи йўлида эл хизматида камар баста бўлиб, кўплаб шогирдлар чиқармоқдалар.

Устанинг кўплаб ишлари Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида сақланмоқда ва кўргазмаларда намойиш этилмоқда. Жумладан: ёғочдан ўймакорлик ишланган лавҳлар, қутичалар, албастердан ишланган бино безаклари ва бошқалар. Муйдинов Неъматжон ясаган кўплаб ишлари халққа хизмат қилиб келмоқда, шу жумладан Вилоят кутубхонаси кириш дарвозасини, Ота Валихон мақбараси дарвозасини, Афсона боғидаги олдинги Машраб биносидаги эшик ва ўймакорлик устунлари устанинг нозик дид ва маҳорат эгаси эканлигини кўрсатади.

Хунармандчилик-бу шунчаки касб эмас, балки ҳаёт фалсафаси. Унда меҳнат, ихлос, сабр ва гўзалликка бўлган муҳаббат уйғунлашган.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи маънавият бўлими катта илмий
ходими Валиева Ҳадияхон

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон хунармандчилиги ва амалий санъати 1 том
Энциклопедияси 331 бет
2. Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейининг ноёб экспонатлари
қўлланмаси . Э.Мирзалиев, Л.Аҳмадалиева, Э.Қорабаев. 19 бет
3. Экспонатни ўзидан фойдаланилди.